

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВА КОМИЛА САДРИДДИН ҚИЗИ

**ИНУЛИННИ БАЪЗИ БИР АМИНОСАҚЛОВЧИ
БИРИКМАЛАР БИЛАН ТАЪСИРИ**

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ибрагимова Комила Садриддин қизи Инулинни баъзи бир аминосақловчи бирикмалар билан таъсири	3
Ибрагимова Комила Садриддин кизи Взаимодействие инулина с некоторыми аминосодержащими соединениями	21
Ibragimova Komila Interaction of inulin with certain aminocontaining compounds	39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ИБРАГИМОВА КОМИЛА САДРИДДИН ҚИЗИ

**ИНУЛИННИ БАЪЗИ БИР АМИНОСАҚЛОВЧИ
БИРИКМАЛАР БИЛАН ТАЪСИРИ**

02.00.14 - Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В.2018.4.PhD/K150 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-
сахифасида (tki.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталига (www.ziyo.net.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Раҳманбердиев Гашиар
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар:

Мақсумова Ойгура Сиддиқовна
кимё фанлари доктори, профессор

Абдушукуров Анвар Кабирович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон кимё-фармацевтика илмий-
тадқиқот институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги
DSc.03/30.12.2019.T.04.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «25» 08 соат
10⁰⁴ даги мажлисида бўлиб ўтди (Маҳзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани,
А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871) 244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tki_info@edu.uz.)

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида
ташиши мумкин (19 рақамли билан рўйхатга олинган). (Маҳзил: 100011, Тошкент шаҳар
Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20).

Диссертация автореферати 2021 йил «10» 08 кунги тарқатилган.
(2021 йил «10» 08 даги №21 рақамли реестр баённомаси)



А. Икрамов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Қадиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., доцент

Р.С. Сайфугдинов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котибиди илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда турли юқумли касалликлар, шу жумладан силни даволаш учун юқори самарали, танлаб таъсир қилувчи, зарарсиз ва таъсири узайтирилган янги авлод дори воситаларини яратиш кимё, биология, фармацевтика соҳаларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Шунинг учун силни даволовчи маҳаллий хомашё асосида импорт ўрнини босувчи, захарлилиги кам ва таъсири узайтирилган дори воситаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда силга ва саратонга қарши, қон тўхтатувчи ва қанд миқдорини камайтириш хоссаларга эга бўлган физиологик фаол полимерлар тизимини яратиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, микробларга қарши воситаларни ишлаб чиқиш, инулин ҳосилаларини олиш, ажратиш ва улар асосида яратилган самарали дори воситаларининг юқори биологик фаоллигини аниқлаш, сил касаллигига қарши дори воситалари ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда охириги йилларда амалга оширилаётган кенг чора-тадбирлар натижасида кимё ва фармацевтика саноати корхоналарини модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш, хомашёларнинг янги захираларини яратиш, улар асосида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини ривожлантириш борасида муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «фармацевтика саноатини ривожлантириш ҳамда аҳолини ва тиббиёт ташкилотларини арзон юқори сифатли дори воситалари ва тиббиёт ускуналари билан таъминлаш»¹ вазифаси белгилаб берилган. Бу борада сил касалига қарши мавжуд арзон хомашё асосида халқаро бозорда рақобатлаша оладиган дори воситаларини яратиш, силга ва саратонга қарши, қон тўхтатувчи, қонда қанд миқдорини камайтирувчи хоссаларга эга бўлган физиологик фаол полимерлар тизимини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПҚ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 7 ноябрдаги ПФ-5229-сон «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 14 февралдаги ПФ-3532-сон «Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947сон фармони

технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инулинни ажратиш, ҳосилаларини олиш ва улар асосида яратилган самарали дори воситаларининг юқори биологик фаоллигини ўрганиш бўйича Donald J., Fisher, Du J., Reuhsh., Jones G. Jufluence, Magdy W., Heba M., Nadia F., Riham R., Haleem N., Zhange X., Xionga F., Zhua Z., Hua B., Yina Y., Dub Y. Вайнштейн В.А., Наумчик Г.Н. Кузнецова Н.П., Гликина М.В., Немцова Н.Н., Самсонов Г.В., Шостаковский М.Ф., Сидельковская Ф.П., Усманов Х.У., Рашидова С.Ш., Рахмонбердиев Г., Тўраев А.С., Саримсоқов А.А., Аминов С., Рахимов Д., Шомуродов Ш.А. ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан тиббиёт, озиқ-овқат соҳасида, фармацевтика саноатида ишлатиладиган карбоксиметилцеллюлоза молекуласига изониазид, этанбутол ва рифамбитсин фрагментларини киритиб, силга қарши узоқ муддат таъсир кўрсатадиган дари-дормонлар олинган, функционал гидрофил полимерлар асосида микробларга қарши препаратлар яратилган, дезинфекцияловчи восита сифатида қўлланиладиган полиалкиленгуанидин ишлаб чиқариш технологиялари саноатга жорий қилинган.

Шу билан бирга силга ва саратонга қарши, қон тўхтатувчи, қонда қанд миқдорини камайтирувчи хоссаларга эга бўлган физиологик фаол полимерлар тизими асосида янги сувда эрувчи целлюлоза (ацетилцеллюлоза, карбоксиметилцеллюлоза, сульфат целлюлоза) ва инулин полисахаридларининг синтематик хусусиятларини кенгайтиришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №А-11-5 «Топинамбур ўсимлиги туганакларидан инулин ва унинг ҳосилаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2014-2016 йй.) ва №09/6 «Кўп йиллик топинамбур (*Helianthus tuberosus* L) ўсимлигини чиқиндисиз ва экологик тоза қайта ишлаш технологиясини яратиш» (2006-2009 йй.) мавзуларидаги фундаментал тадқиқот ва хўжалик шартномаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бир вақтда қондаги қанд моддаси миқдорини камайтирувчи ва сил касаллигини даволовчи, макромолекуласида изониазидин гуруҳи сақлаган полисахарид - инулин асосида физиологик фаол полимер тизимларини синтез қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

инулинни йод кислотаси таъсирида оксидлаш билан молекула таркибига реакцион фаол альдегид гуруҳларини киритиш, оксидлаш реакциясининг мақбул шароитини аниқлаш;

инулин диальдегидни изоникотин кислотасининг гидразиди (тубазид) билан нуклеофил ўрин алмашиш реакциясининг алоҳида хусусиятларини аниқлаш ва турли даражада ўрин алмашган ва молекуляр массали полимер тизимини яратиш;

тубазид сақловчи инулинларни молекуляр параметрларини, физик-кимёвий ва структуравий тавсифини аниқлаш;

тубазид сақловчи инулинларни хоссаларини тадқиқ қилиш, кимёвий тузилиш ва биологик фаоллик боғлиқлигини аниқлаш;

инулинни боғловчи сифатида қўлланадиган қийин прессланадиган доривор таблеткалар олиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Файз-барака» навли топинамбур ўсимлиги, инулин, йод кислотаси, диальдегид инулин, тубазид, тубазид сақловчи инулин ҳосилалари, патоген бактериялар ва замбуруғлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини инулин асосида силни даволовчи ва қондаги қанд миқдорини камайтирувчи хоссали полимер тизимларни олиш, оксидланиш ва нуклеофил ўрин алмашиш реакциялари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишининг бажарилишида органик синтез усуллари (кимёвий модификация, оксидланиш, нуклеофил ўрин алмашиш реакциялари), физик-кимёвий (ИК-спектроскопия, рентгенструктура, элемент таҳлил, электрон микроскопия, суюқлик хроматографияси) ва фармакотоксикологик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

топинамбурнинг маҳаллий «Файз-барака» навидан олинган инулин молекуласига диальдегид гуруҳини киритиш билан реакция фаоллиги юқори бўлган ҳосилалари олинган;

инулин ва тубазид асосида, қанд миқдорини камайтирувчи ва сил касалини даволаш хусусиятларига эга бўлган физиологик фаол полимерлар олишнинг маъқбул шароитлари аниқланиб, реакция механизмлари асосланган;

инулин асосида макромолекула бўйича изонид сақловчи полимер тизимлар синтез қилишнинг кинетикаси аниқланган;

полимер тизимларнинг силга қарши фаоллиги уларнинг молекуляр параметрларига боғлиқлиги асосланган;

кам захарли, қанд миқдорини камайтирувчи, узайтирилган занжирли, силга қарши макромолекуляр полимерлар таркиби исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

инулин макромолекуласига изониазидни улаш билан полимер тизимлар олиш усуллари ишлаб чиқилган;

изониазид сақловчи инулин ҳосиласи асосида кам захарли самарали дори воситасини олиш технологияси ишлаб чиқилган;

қийин прессланадиган дори таблеткалари ишлаб чиқариш учун инулинни боғловчи сифатида ишлатишнинг маъқбул шароитлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги таҳлилда замонавий физик-кимёвий ва биологик усуллар, ИК-спектроскопия, газ-суюқлик хроматографияси, термоаналитик таҳлил, экспериментал маълумотларга статистик ишлов беришда синтез жараёнларининг кинетика ва термодинамикасининг замонавий назарияларидан фойдаланилганлиги, назарий ва тажриба тадқиқот натижаларининг ўзаро мутаносиблиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти реакция фаоллиги юқори бўлган альдегид

гуруҳлари сақловчи инулин ҳосилаларни синтез қилиш қонуниятлари асосланганлиги, изониазид гуруҳларини инулин макромолекуласига кимёвий боғлаш усули билан силга қарши препаратлар олиш жараёнларининг мақбул шароитлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти - инулин макромолекуласига тубазид фрагментини кимёвий қўшиш усули билан дори воситаси олиш, таъсири узайтирилган силга қарши фаолликка эга бўлган зарарсиз препарат сифатида фойдаланишга тавсия этиш, силга ва саратонга қарши, қон тўхтатувчи, қонда қанд миқдорини камайтирувчи хоссаларга эга бўлган физиологик фаол полимерлар тизимини яратилганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги. Инулинни модификациялаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аминсақловчи бирикмалар билан модификациялаб олинган тубазид инулин препарати «2021-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 28 декабрдаги 02/23-1824-сон маълумотномаси). Натижада, тубазид инулин микробларга қарши 46 % фаол ва сил касалликларни даволаш вақтини 34% - га камайтириш имконини берган;

сил касаллигини даволовчи физиологик фаол тубазид инулин препарати «2021-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган (Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 28 декабрдаги 02/23-1824-сон маълумотномаси). Натижада, сил касаллигини даволаш учун танлаб таъсир қилувчи, зарарсиз ва таъсири узайтирилган, *in vivo* туберкулёз қўзғатувчи дори воситаси сифатида фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 4 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 9 та мақола, шу жумладан 6 та Республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, ўтказилган тадқиқотларнинг ишончлилиги, апробация ва натижаларнинг нашр қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг «**Полисахаридлар - физиологик фаол полимерлар олишнинг асоси**» деб номланган биринчи бобида, мазкур тадқиқот мавзуси бўйича тадқиқотлар натижаси, хориж ва маҳаллий илмий адабиётлари таҳлили берилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий муҳокама этилган. Вирусларга, саратонга, силга қарши, қон тўхтатувчи ва бошқа фойдали хоссаларга эга бўлган целлюлоза ва инулин асосидаги физиологик фаол доривор полимерлар ҳамда инулин асосида олинган шарбат ва хилма-хил биологик фаол қўшимчалар муҳокама қилинган. Кўрилган адабий шарҳлар асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг «**Изланиш объектлари, олинган моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари ва тадқиқ қилиш усуллари**» номдаги иккинчи бобида тадқиқот объекти, инулинни миқдорий анализи, инулиннинг диальдегид хосилалари, нуклеофил ўрин алмашиш реакциясини олиб бориш, физик-кимёвий усуллар, биологик ва токсикологик тадқиқотлар баён қилинган.

Диссертациянинг «**Инулин ҳосилаларининг олиниш жараёнлари ва хоссаларини тадқиқ қилиш**» номидаги учинчи бобида, Ўзбекистон Республикасида кўплаб экиладиган топинамбурнинг «Файз-барака» нави туганакларидан инулин олиш натижалари кўриб чиқилган ва муҳокама этилган. Инулинни молекуляр массасини ва тузилишини аниқлаш бўйича натижалар келтирилган.

Ҳозирги кунда полисахаридлар потенциал қимматли макромолекуляр модда бўлиб, ундан физиологик фаол моддалар олишда матрица асосида кенг фойдаланилади. Полисахаридлар мўл биокиришимли, захарсиз, биологик муҳитда осон парчаланadi. Улар аллергия реакциялар чақирмайди. Кўрсатилган ижобий хоссаларидан ташқари, фармакологик мақсадлардан келиб чиқилган ҳолда унинг кимёвий тузилишини ва молекуляр параметрларини тартибга солиш мумкин.

Инулин, пўсти тозаланган топинамбур туганаклари - глюкоинувитдан олинди. Глюкоинувит иссиқ сувга солиб эритилади, уни чўктириш учун сувли эритмасига 1:1 нисбатда ацетон қўшилади. Масалан, 100 г глюкоинувитга 500 мл тозаланган сув солинади, 100 °С гача қиздирилади, кейин эритма иссиқ ҳолда қоғозли, қат-қат филтрдан ўтказилди, филтрат совутилди (чўкма тушмади), кейин бўлиб-бўлиб 100 мл ацетон қўшилди. Ацетонни секин-аста қўшиш давомида (15 - 20 дақиқа) ҳажми катта чўкма тушади, яна чўктириш учун эритмани 4 соат давомида 5 - 10 °С совутилди. Чўкмани филтрлаб ажратиб олинди, ацетон билан ювилди, қуритилди, майдаланди ва тешик диаметри 0,1 мм бўлган элакдан ўтказилди. 14% чиқим билан инулин олинди, унинг хоссалари физик-кимёвий усуллар ёрдамида ўрганилди. Олинган осон сочилувчи кукун 7 - 8% намликка эга. Буни 105 °С да намликни аниқловчи “Sartorius Ab COTTINGEN” (Германия) фирмасининг асбобида аниқланди, суюкланиш температураси 230,7 - 235,8 °С, “BUCHI” (Switzerland).


«**Инулин диальдегид ҳосилаларининг синтези (инулинни оксидлаш)**» деб номланган тўртинчи бобда, инулиннинг диальдегид ҳосилаларини олиш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Ҳозирда, дори воситаларини олиб юривчи, потенциал қимматга эга бўлган модда полисахаридлар ҳисобланади. Шу мақсадлар учун табиий полимерлардан, целлюлоза, крахмал, пектин ва уларнинг сувда эрувчи эфирлари қўлланади.

Аммо полисахаридлар тузилишидаги камчилик, яъни ундаги фақат гидроксил гуруҳларининг мавжудлиги ҳар хил хоссали маҳсулотларни кимёвий реакциялар ёрдамида синтез қилишни чеклайди.

Шу билан бирга, полисахаридларнинг кимёвий тузилиши, уларнинг макромолекула занжирига кучли реакцияга киришувчи $-CHO$, $-COOH$, $-SO_3H$ ва бошқа гуруҳларни киритиб, сўнгра юмшоқ шароитларда физиологик фаол моддаларни ковалент ёки ион боғлари орқали улаш мумкин. Ушбу гуруҳларни макромолекулага киритишнинг кенг тарқалган усулларида бири периодат оксидлаш ҳисобланади ва биз шу усулни инулинни оксидлашда қўлладик.

Инулин занжирининг формуласи қуйидаги кўринишга эга:




Инулинни оксидлаш жараёни катта илмий эътиборга лойиқ, чунки унинг айрим спирт гуруҳларини танлаб оксидлаш, инулин макромолекуласига янги функционал гуруҳлар киритиш мумкин ва янги хоссаларга эга бўлган оксидланган инулин препаратлари яратилади.

Полисахаридга периодат кислота таъсирида C_2 ва C_3 углерод атомларидаги альдегид гуруҳлари оксидланади, бунда ҳосил бўлган α -гликол гуруҳи бир вақтда углерод-углеродлар орасидаги боғ узилади. Ушбу реакцияда HJO_4 гидратациясидан оксидловчи H_5JO_6 ҳосил бўлади.




Дунё адабиётида инулинни периодат кислота билан оксидлаш мавжуд эмас. Инулинга альдегид гуруҳларини киритиш учун у периодат кислота билан оксидланди.



Оксидлаш реакциясидан сўнг, реакция маҳсулотларини ажратиб олиш учун, периодат ва иодат кислоталарни йодга қайтариш учун тенглама бўйича оз миқдорда HJ ва HCl қўшилди:



Периодат кислотани инулинга таъсир вақтини ўзгартириб, ундаги альдегид гуруҳлар сонини тартибга солиш мумкин.



Бунда ерда, C_2 ёки C_3 углерод атомига жойлашган гидроксил гуруҳ билан C_6 углерод атомидаги бирламчи гидроксил гуруҳи ўртасида, худди целлюлоза каби, полуацетал боғ ҳосил бўлишини тадқиқ қилиш илмий нуқтаи назардан қизиқ.

Мюнхен Университетининг проф. Адольф Байер циклик бирикмалар кимёсининг баъзи бир жихатларини тушунтирувчи назарияни таклиф этди. Бунга асосланиб Байер беш ёки олти аъзоли цикллардан кичиги ёки каттаси беқарор бўлишини таклиф этди. Шу беқарорлик сабабли уч ва тўрт аъзоли циклларда ҳалқа очилиш реакциясига учрайди. Ушбу назарияга асосан бизнинг ҳолатимизда, яъни инулинни оксидлаганда худди целлюлоза каби полуацетал боғ ҳосил бўлмаслиги мумкин.

Инулин диальдегиди қуйидаги усул билан олинди: ҳажми 500 мл бўлган шиша стаканга 0,5 г инулин солинди, унга $pH \sim 4,25$ бўлган 100 мл ацетатли буфер солинди. Инулиннинг тўла эриши 0,25 дан 4 соатгача давом этди. Периодат оксидлаш реакцияси тугагач, диальдегид инулин ацетон билан чўктирилди, JO_3^- ва JO_4^- ионлари манфий реакция бергунча 70% ли этил спирти билан ювилди (кумуш нитрат эритмаси билан назорат реакцияси бўйича). Реакция маҳсулотини қоронғида вакуум остида P_2O_5 устида қуритилди. Ҳосил бўлган альдегид гуруҳлар сони оксим усули билан аниқланди (1-жадвал).


1-жадвал

Периодат оксидланишнинг давомийлигини диальдегид инулиннинг альдегидлар сонига ва молекуляр массага таъсири

Оксидланиш давомийлиги, соат	0,25	0,5	1,0	2,0	3,0	4,0
Диальдегид инулиннинг йод сони	12,6	30,5	41,6	50,7	54,3	48,8
Оксидланиш даражаси*, моль %	9	21	32	38	40	37
γ қиймати	18	42	64	76	80	74
Азотнинг миқдори, %	1,5	3,3	5,2	6,1	6,4	6,0
Молекуляр масса**, kDa	4,3	4,0	3,5	3,2	2,9	2,5

*Оксидланиш даражаси - ҳар 100 инулин халқасига оксидланган халқалар сони; γ - альдегид гуруҳлар миқдори. **Дастлабки инулиннинг молекуляр массаси 5,0 kDa.

Жадвал натижаларига кўра, оксидлаш вақтини ортиши билан альдегид гуруҳларининг сони кўпаяди, аммо 3 соат оксидлангандан сўнг доимий бўлади, демак, 3 соат давомида инулиннинг элементар халқалари тўла оксидланади. Инулиннинг молекуляр массаси вақт ортиши билан камаяди, бу эса деструкция жараёни юз берганини кўрсатади.




1-расм. Инулиннинг ИК-спектри (1) ва DAI 9,0 моль % даражадаги оксидлангани, 32,0 моль (3) ва 40,0 моль % (4).

Оксидланган наъмуналарнинг ИК-спектрлари олинди (1-расм).

Расмдан кўринадики, оксидланган инулин спектрининг альдегид гуруҳларига тегишли 1730 см^{-1} соҳада янги ютилиш чизиқлари ҳосил бўлади, унинг интенсивлиги инулинни қанчалик чуқур оксидланганлигига боғлиқ.

«Инулиннинг диальдегид ҳосилаларини тубазид билан нуклеофил ўрин алмашиш реакциялари» номли бешинчи бобида инулин диальдегид ҳосиласини тубазид билан реакция натижалари баён қилинган. Одатда, полисахаридларнинг (целлюлоза, крахмал ва бошқалар) диальдегид ҳосилаларини, таркибида бирламчи амин гуруҳи бўлган доривор моддаларни улаш учун қўлланади. Кимёвий ўзаро таъсирланиш натижасида, бирламчи амин билан полисахаридларнинг альдегид гуруҳлари осон гидролизланувчи изометин ($-\text{C}=\text{N}-$) боғи орқали боғланади.

Адабиёт маълумотларига кўра, $-\text{CHO}$ гуруҳи билан амин орасидаги ўзаро таъсирланишда $-\text{C}=\text{N}-$ боғини ҳосил бўлиши икки босқичда юз беради, бунда ҳар икки реакция қайтар ҳисобланади.



Биринчи босқичда амин альдегид билан таъсирланиб, оралиқ маҳсулот карбиноламин ҳосил бўлади, бу реакциянинг тезлиги ўрин алмашувчининг характериغا боғлиқ: ўрин алмашувчининг электронакцепторлиги $-\text{CHO}$ гуруҳининг углерод атомини зарядини оширади, бу эса H_2NR ни бирикишини тезлаштиради. Амindaги электрондонор ўрин алмашувчилар амindaги азотни асослигини оширади ва у K_1 константани кўпайтиради, а электронакцепторлар камайтиради. Альдегид гуруҳига 2 ҳолатдаги катта ҳажмли ўрин алмашувчилар, аминлар ҳам, стерик факторлар ҳисобига бу реакцияни қийинлаштиради, иккинчи босқичда аминспирт дегидратацияга учраб азометин боғини ҳосил қилади (Шиффо асоси).

CHO -гуруҳидаги электрондонор ўрин алмашувчилар дегидратацияга имкон яратади. Жараённинг икки асосий босқич тезлигига ўрин алмашувчилар қарама-қарши таъсир кўрсатади ва ҳал қилувчи самара эса қайси босқичнинг етакчилигига боғлиқ.


Чегараловчи босқич ҳар хил бўлиши мумкин ва у муҳитнинг рН га боғлиқ: нейтрал ва кучсиз кислотали эритмаларда дегидратация жуда секин босқич ҳисобланади, кислотали шароитда амин бирикади. Шунинг учун полисахаридлар альдегид гуруҳига амин гуруҳини бирикиши учун рН муҳити бирламчи роль ўйнайди.

Демак, тубазидни ва бошқа амин гуруҳи сақловчи доривор моддаларни инулин диальдегидига бириктириш учун кучсиз кислотали рН 4-5 муҳит бўлиши энг муқобил шароит ҳисобланади.

Шу сабабли тубазидни инулин диальдегидига бириктиришни кучсиз кислотали рН 4,5 олиб борилди. Магнит аралаштиргичда доимо аралаштириб, диальдегид инулин эритмасига 0,6 моль тубазид эритмаси қўшилди. Реакция

хона ҳароратида 3 соат давомида олиб борилди. Реакция маҳсулоти икки марта ацетон билан чўктирилди. Чўкмани филтрлаб, 10 соат давомида сувли ацетон билан экстракция қилинди. Олинган маҳсулот вакуум остида P_2O_5 устида $20^\circ C$ да куритилди.

Тубазидни оксидланган инулин билан реакцияси қуйидаги схема бўйича олиб борилди.




DAI оксидлаш даражасини таъсирида ҳосил бўлган маҳсулотлар таркиби бўйича олинган натижалар 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

DAI ни оксидлаш даражасини реакция маҳсулотларининг таркибига ва молекуляр характеристикасига таъсири

DAI оксидлаш даражаси, моль %	9	21	32	38	40	37
DAI γ қиймати	18	42	64	76	80	74
DAI молекуляр массаси, kDa	4,3	4,0	3,5	3,2	2,9	2,5
Азот миқдори, %	3,2	7,0	9,4	11,5	12,0	11,3
Изониазид миқдори, моль %	13,5	33,4	50,0	65,4	70,0	63,7
Изониазид миқдори, %	10,4	29,3	37,8	46,0	48,2	44,5
Полимер комплекснинг молекуляр массаси, kDa	4,8	5,2	6,0	5,7	5,4	-

2-жадвалда келтирилган натижаларга кўра оксидланиш даражасини ортиши билан инулинда альдегид гуруҳларининг сони ортади ва бир вақтда унинг молекуляр массаси камаяди.




2-расм. Тубазид сакловчи полимер моддаларнинг гель-хроматограммаси
 1-ММ=6 кДа; СЗ=50,0 моль.%; 2-ММ=5,7 кДа; СЗ=65,4 моль.%; 3-ММ=5,4 кДа; СЗ=70,0 моль.%; 4-ММ=5,2 кДа; СЗ=33,4 моль.%; 5-ММ=4,8 кДа; СЗ=13,5 моль.%.

Синтез қилинган ҳосилаларнинг молекуляр масса характеристикаси, рефрактометр детектор билан таъминланган, суюқлик хроматографида ЭЖХ усулида аниқланди. Бунда PL Aquagel OH Mixed узунлиги 300 мм ва ички диаметри 7,5 мм (Waters, USA) хроматографик колонкаларини қўллаб аниқланди. Намунанинг концентрацияси ва ҳажми 2 мг/мл ва 100 мкл мос


равишда. Элюент сифатида натрий нитратнинг 0,1н сувли эритмасидан фойдаланилди. Элюентнинг оқим тезлигини ҳажми 0,8 мл/мин.

Расмдан кўринадики, биринчи навбатда инулин тубазиднинг юқори молекулали фракциялари ажралади, кейин кичик молекулалилари. Расмдан яна ҳамма фракцияларни эгри мономодал чизиғига эгалигини кўриш мумкин, бу эса хар бир фракцияни монодисперслигини кўрсатади.



3-расм. Тубазид сақловчи инулиннинг ИК-спектри. 1-ДАИ даражадаги оксидлангани, 40,0 моль.%; 2-ММ=5,7 кДа; СЗ–65,4 моль.%; 3-ММ=5,4 кДа; СЗ–70,0 моль.%;

Инулинни тубазид билан намуналарида $-C=N-$ боғ мавжудлигини исботловчи $1662-1666\text{ см}^{-1}$ соҳада янги ютилиш чизиқлари ҳосил бўлади. Оксидланган инулиннинг альдегид гуруҳига характерли 1730 см^{-1} соҳасидаги ютилиш йўқолади, бу эса нуклеофиль ўрин алмашиш реакцияси юз берганини исботидир (3-расм).




4-расм. Сувли эритмаларнинг УФ-спектрлари: 1-тубазид; 2-инулин тубазид (препаратни миқдори 13,5%); 3-инулин тубазид (препаратни миқдори 48,2%); тадқиқот намуналарининг концентрацияси 0,01 мг/мл

Олинган намуналарни спектрофотометрик тадқиқотлари ҳам бажарилган. Тубазид сақловчи инулинни спектрофотометрик тадқиқотлари “UV 1280” (Shimadzu, Japan) 200-300 нм тўлқин узунлиги диапазонида олиб борилди (4-расм).

Тубазид молекуласида ароматик ҳалқа мавжуд, шунинг учун ультрабинафша соҳада $\lambda_{\text{max}}=262\text{ нм}$ соҳасида ютилиш чизиқлари кузатилади, бу эса


реакция маҳсулотларида силга қарши препарат мавжудлигини кўрсатади. Бунда ютилиш интенсивлиги инулин таркибидаги препарат миқдорига тўла боғлиқ.

Олинган намуналарни тузилишини тадқиқ қилиш учун рентгенографик усулдан фойдаланилди. Намуналар XRD-6100 (Shimadzu, Japan) кукукли дифрактометрда ўрганилди. Олинган рентгенографик эгри чизиқлар 5 ва 6 расмда келтирилган. 5-расмда инулинни кристаллик тузилиши кўрсатилган.



5-расм. Инулиннинг рентгенограммаси.

Инулин тузилишига тубазидни киритилиши жараёнида инулин тўла аморфланади, бу тубазид сақловчи инулинни аморф тузилишга эгаллигини кўрсатади (6-расм).




6-расм. Тубазид-инулин рентгенограммаси.

Тубазид-инулин аморф тузилишга эга эканлиги ҳақидаги рентгенографик маълумотларни сорбцион тадқиқотлар тасдиқлайди. 7-расмда инулин ва тубазид - инулин намуналарини сув буғларининг 25 °С даги сорбция изотермалари келтирилган. Расмдан тубазид-инулиннинг сорбцион қобилияти сув буғлари босимининг кичик қийматларидан $P_i/P_i^0 = 0,6$ қийматгача кескин ошганлиги кўри-ниб турибди, бу эса унинг юқори аморф тузилишга эгаллигини тасдиқлайди.

Тўйинишдаги адсорбция қиймати тубазид-инулин учун юқори (10,7 моль/кг), бу тубазид-инулин моноқават ҳажмининг (2,43 моль/кг) ва “сув”

бўйича солиштирама сиртининг ($187,9 \text{ м}^2/\text{г}$) инулинга нисбатан юқори қийматлари билан боғлиқ.



7-расм. Инулин (⊖) ва тубазид-инулиннинг (Δ) сув буғини сорбция изотермалари.

Тубазид-инулин учун тўйиниш ҳолатидаги ғоваклар суммар ҳажмининг қиймати ҳам юқори, бу ҳам солиштирама “сув” сиртининг юқори қийматлари ҳамда мезоғовакларнинг катта миқдори $W_{me} = 0,082 \cdot 10^{-3} \text{ м}^3/\text{кг}$ билан боғлиқ (3-жадвал). Структура-сорбцион кўрсаткичлар ва ғоваклар суммар ҳажмининг юқори эканлиги ҳам тубазид-инулиннинг аморф структураси ҳақидаги хулосаларни тасдиқлайди.

3-жадвал

Инулин ва тубазид-инулиннинг структур-сорбцион кўрсаткичлари ва микро-, мезопор ҳажмларини сорбат билан тўйинтирилганда сув буғининг $25 \text{ }^\circ\text{C}$ сорбцияси натижаларининг қийматлари

Адсор-бентлар	Моно катлам ҳажми, α_m , моль/кг	Солиш -тирма юза, S , $\text{м}^2/\text{г}$	Тўйинтириш-даги адсорбция, α_s , моль/кг	Микропор ҳажми, $W_0 \cdot 10^3$, $\text{м}^3/\text{кг}$	Мезо-пор ҳажми, $W_{me} \cdot 10^3$, $\text{м}^3/\text{кг}$	Тўйинтирилган-даги ғоваклар ҳажмининг жами, $V_s \cdot 10^3$, $\text{м}^3/\text{кг}$
Инулин	1.11	85.62	9.3	0.112	0.055	0.167
Тубазид-инулин	2,43	187,9	10,7	0,112	0,082	0,194


$25 \text{ }^\circ\text{C}$ да сув буғи сорбцияси натижалари бўйича инулин ва тубазид-инулинларнинг структур-сорбцион кўрсаткичлари ва сорбат билан тўйинишидаги микро-, мезоғоваклар ва ғовакларнинг суммар ҳажми қийматлари.

Сорбент ва сорбатлар кимёвий потенциаллари қийматларидан фойдаланиб, инулин-сув ва тубазид-инулин-сув системалари учун эритувчининг турли концентрацияларидаги аралашининг ўртача эркин энергиялари ҳисобланди. Тубазид-инулин-сув системаси учун аралашининг ўртача эркин энергияси қийматлари Δg^m ни концентрацияга боғлиқлигининг барча соҳасида инулинга нисбатан юқори манфий қийматларни қабул қилади. Бундай натижа ушбу системада ўзаро таъсирнинг сезиларли кучайганлигидан ва тубазид-инулиннинг эрувчанлиги инулинга нисбатан ошганлигидан далолат беради. Бу фикрлар

тубазид-инулин учун Δg^m нинг концентрацияга боғлиқлигидан аниқланган ўртача эркин энергия $\Delta g^m_{\max} = -19,99$ ва Гиббс энергияларининг $\Delta G_i = -22,3$ максимал манфий қийматлари билан ҳам тасдиқланади.

Тадқиқ қилинаётган тизимларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссаларини чуқурроқ ўрганиш ҳамда уларнинг кимёвий хоссаларини башоратлаш мақсадида квант-кимёвий тадқиқотлар бажарилди.

Назарий ҳисоблашларнинг кўрсатишича, таъқиқланган соҳанинг жуда кичик қиймати (0,693 эВ) тубазид-инулиннинг барқарорлик, юқори қутблилик ва кимёвий фаолликка эга эканлигидан далолат беради. Қизил рангли соҳалар юқори электрон зичликка эга бўлиб, кўк рангли соҳаларда эса электрон зичлиги сийрақроқ бўлади (8-расм).



8-расм. Тубазид-инулиннинг элементар звеносининг оптималлаштирилган тузилиши (а) электростатик потенциали тақсимоги (б)

Тадқиқотлар учун 5% крахмал ва 1,3 ва 5% инулин эритмалари ёрдамида доривор прессланувчи массалар тайёрланди. Тайёрланган массаларни упалаш мақсадида антифрикцион моддадан (кальций стеарат) 1% миқдорда қўшилди. Оғирлиги 0,15 г бўлган таблеткалар, 120 МПа босимда гидропресс ёрдамида диаметри 11 мм бўлган шаклларда олинди.

Тадқиқотларнинг биринчи босқичида таблеткаларнинг сифат кўрсаткичлари: ташқи кўриниши, юзасининг бир хиллиги, маҳкамлиги, парчаланиши олинди.

4-жадвал

7% крахмал елими асосида олинган таблеткалар сифати

Кўрсаткичлар	Фаол модданинг номи			
	Фитин	Рутин	Ампициллин	Аскорутин
Ташқи кўриниши	Ўзига хос ранг, четлари бутун, ярқираган			
Мустахамлиги, Н	85,0	78,0	80,0	74,0
Парчаланиши, С	480,0	300,0	660,0	540,0

Жадвалдан маълумки, 7 % крахмал эритмаси асосида олинган таблеткалар кўрсаткичлари бўйича ГОСТ талабларига жавоб беради.

Кейинги тадқиқотларда юқорида кўрсатилган таблеткаларни пресшлашда инулин боғловчи сифатида ўрганилди. 5-жадвалда 1,3 ва 5 % инулин эритмалари асосида олинган таблеткаларнинг сифат кўрсаткичлари келтирилган.

5-жадвалдан маълумки, 1 ва 3% ли инулин эритмалари ёрдамида олинган таблеткалар сифати бўйича мейёрий хужжатлар талабларига жавоб беради ва 7% ли крахмал эритмаси ёрдамида олинган таблеткалардан хоссалари бўйича ён бермайди, ҳатто бази бир кўрсаткичлар билан устун туради. 5% ли эритмага келганда, унинг иштирокида олинган аскорутин парчаланиш бўйича норматив

хужжатлар талабларига мос келади, қолган таблеткаларнинг парчаланиши кўпроқ.

Шундай қилиб, 1 ва 2% инулин эритмаларини қийин прессланадиган таблеткаларни олишда боғловчи сифатида бемалол фойдаланиш мумкин.

5-жадвал

Инулин концентрацияларини таблеткаларнинг сифат кўрсаткичларига таъсири

Кўрсаткичлар	Фаол моддалар номи			
	Фитин	Рутин	Ампициллин	Аскорутин
Инулиннинг 1% эритмаси				
Ташқи кўриниши	Ўзига хос ранги, четлари текис ва бутун, ялтироқ таблеткалар			
Мустаҳкамлиги, Н	85,0	76,0	78,0	60,0
Парчаланиши, С	660,0	480,0	660,0	420,0
Инулиннинг 3% эритмаси				
Ташқи кўриниши	Ўзига хос ранги, четлари текис ва бутун, ялтироқ таблеткалар			
Мустаҳкамлиги, Н	95,0	88,0	87,0	80,0
Парчаланиши, С	720,0	600,0	780,0	600,0
Инулиннинг 5% эритмаси				
Ташқи кўриниши	Ўзига хос ранги, четлари текис ва бутун, ялтироқ таблеткалар			
Мустаҳкамлиги, Н	100,0	94,0	90,0	86,0
Парчаланиши, С	> 900,0	> 960,0	>900,0	780,0

«Тубазид-инулиннинг токсико-фармакологик тадқиқотлари» номли олтинчи бобда тубазид-инулиннинг фармакологик ва таксикологик тадқиқотлар натижалари келтирилган (тадқиқотлари чорвачилик илмий-тадқиқот институтининг ходимлари билан ҳамкорликда бажарилган).

Уларни *in vitro* шароитида 10 турдаги микроб ва замбуруғларга сезувчанлиги ўрганилди (6-жадвал).

6-жадвал

Тубазид-инулинни *in vitro* шароитида микробларга сезувчанлигини характеристикаси

№	Микроб ва замбуруғлар гуруҳлари	Тубазид-инулин, мг		
		10	50	100
1	<i>Staphylococcus aureus</i>	5,0±0,1	7,0±0,1	10,0±0,1
2	<i>Staphylococcus epidermidis</i>	10,0±0,1	5,0±0,1	5,0±0,1
3	<i>Staphylococcus saprofiticus</i>	5,0±0,1	7,0±0,1	10,0±0,1
4	<i>Streptococcus pyogenes</i>	12,0±0,2	10,0±0,1	7,0±0,1
5	<i>Escherichia coli</i>	12,0±0,2	15,0±0,3	17,0±0,3
6	<i>Proteus vulgaris</i>	15,0±0,3	20,0±0,4	25,0±0,5
7	<i>Klebsiella</i>	10,0±0,1	12,0±0,2	15,0±0,3
8	<i>Pseudomonas aeruginosa</i>	5,0±0,1	5,0±0,1	7,0±0,1
9	<i>Candida albicans</i>	0	0	0
10	<i>Actinomycetae</i>	10,0±0,1	12,0±0,2	15,0±0,3

Жадвалга кўра, тубазид-инулин препарати 10-50 мг/мл концентрацияда кучсиз антибактериал таъсирга эга, бу асосан грамманфий микробларга тегишли, қолган микроб гуруҳлари эса бу препаратга резистент ҳисобланади. Шундай қилиб тубазид-инулин кучсиз антибактериал фаоллик кўрсатди.

Тубазид-инулиннинг in vitro шароитида сил микробактериясига таъсири.

Тубазид-инулин in vitro шароитида бевосита ва билвосита тарзда M.Bovis №8-03 ва M.Tuberculosis №7880 штампларига қарши таъсирини аниқлаш тадқиқотлари олиб борилди. Бунинг учун махсус хонада, стерил шароитда препаратни 5,0 мкг/мл ва 10 мкг/л эритмалари тайёрланди. Препарат концентрацияларида M.Bovis № 8-03 ва M. Tuberculosis №7880 штамп колон суспензиялари +37 °С термостатда 1 - 3 соат ва 1 сутка давомида инкубацияда сақланди.

Гон-Левенштейн-Сумиоша усулида ишланган сил штами суспензияларини 20 мл ҳажмдаги пробиркаларга Левенштейн-Йенсен озиклантирувчи муҳитга экилди (биринчи бевосита усул). Назорат сифатида M.Bovis №8-03 ва M.Tuberculosis №7880 штамплари озиклантирувчи муҳитга препаратсиз экилди. Кузатиш ишлари 90 кун мобайнида давом эттирилди. Олинган натижалар 7 жадвалда келтирилган.

7-жадвал

Сил штампларига тубазид-инулин препаратининг таъсири

Штампларнинг номи	Препаратнинг концентрацияси, %	Вақт, кунлар									Натижа
		10	20	30	40	50	60	70	80	90	
M. bovis 8-03	5мг/мл			-	-	-	-	-	-	-	колонна ўсмаган
M. bovis 8-03	10мг/мл			-	-	-	-	-	-	-	колонна ўсмаган
M.tuber culosis №7880	5мг/мл			-	-	-	-	-	-	-	колонна ўсмаган
M.tuber culosis №7880	10мг/мл			-	-	-	-	-	-	-	колонна ўсмаган
M. bovis 8-03	назорат			+	+	+	+	+	+	+	колонна ўсган
M.tuber culosis №7880	Назорат			+	+	+	+	+	+	+	колонна ўсган

7-жадвалга кўра, препаратнинг икки концентрациясида озукали муҳитда сил колонлари ўсмади. Назорат сифатида, тубазид-инулин кўшилган пробиркаларда сил чакирувчи штамплар экилганда 18-24 кун ўтиб, майда тариксимон шаклли майса ҳосил бўлди. Озиклантирувчи муҳит юзасида кўзгатувчи колонлар доналаб ёки бир-бирига ёпишган шарсимон шаклда пигментланган R-колони фил суяги рангида пайдо бўлди.

Шундай қилиб, эксперименталь тажрибалар асосида, тубазид-инулин препаратини сил микробактерияларига бевосита ва билвосита усулда бактерицид ва бактериостатик таъсири кўрсатилди.

Тубазид-инулинни in vivo шароитда организмга антибактериал таъсири.

Тадқиқотлар учун 350-400 г оғирликдаги 10 та соғлом денгиз чўчқалари олинди. Денгиз чўчқалари 3 гуруҳга бўлинди: I гуруҳдаги 4 та чўчқаларга оғиз орқали 20 мг/кг дозада тубазид-инулин берилди, II гуруҳдаги 3 та чўчқага антимикроб фаолликни қиёслаш учун 10 мг/кг дозада изонизид препарати берилди, III гуруҳдаги 3 та чўчқага препарат берилмади.

Келтирилган тажрибадаги ҳайвонларни 90 кундан кейин патолого-анатомик тадқиқотлар ўтказиш учун улар ўлдирилди ва куйидаги натижалар олинди: I гуруҳ денгиз чўчқаларида ўпка, қора талок, жигар бироз кенгайган,

бошқа ўзгаришлар йўқ. Юракда, буйракларда ва ошқозон-ичак йўлида ҳеч қандай патологик ўзгаришлар йўқ. Касалланиш индекси 1,05% ташкил этди.

II гуруҳда ҳайвон жигар бироз кенгайган, ранги ва консистенцияси ўзгармаган. Қора талоқ юзаси дўнг, кўндаланг кесими ўзгаришсиз. Касалланган жойда 2-3 мм ўлчамли капсулаланган каверно мавжуд. Юқтириш индекси 1,02%.

III назоратдаги гуруҳ M.Tuberculosis №7880 штамлари билан юқтирилган денгиз чўчқаларига тубазид-инулин препарати қўлланмади ва анотомик қирқишда қуйидаги патологик ўзгаришлар аниқланди: ўпка 2 марта кенгайган, паренхимада бир-бирига ўтган 1-3 мм оч-кўк рангли казлос масса тарқалган. Жигар ҳажми 1,5 марта кенгайган. Тўқ қизил рангли ўлган ўчоқлар паренхима бўйлаб тарқалган, оқ-кўк рангдаги казеоз масса ҳосил бўлган. Талоқ ҳажми катталашган, унда тўқ қизил рангли, юзаси дўнгалакли ўлган кавер тарқалган. Юқтириш индекси 3,4%.

Келтирилган *in vivo* ҳайвонларни лаборатория тадқиқотларидан маълумки, I гуруҳдаги тубазид-инулин олган касалланган ҳайвонлар ва изониазид олган 2 гуруҳ ҳайвонларида сил касали авж олмади, бунга қарама-қарши назоратга олинган ва тубазид-инулин қўлланмаган ҳайвонларнинг ички органларида сил авж олгани кузатилди.

Тадқиқотлар асосида қайд қилиш лозимки, тубазид-инулин изониазидга нисбатан сил қўзғатувчиларига қарши юқори самарали фаоллик намоён этади.

ХУЛОСАЛАР

1. Бир вақтнинг ўзида қанд миқдорини пасайтирувчи ва силга қарши доривор моддаларни олиш мақсадида оксидланган инулин ва аминсақловчи бирикма - тубазид асосида физиологик фаол полимерлар олиш усуллари тавсия этилди.

2. Инулинни периодат кислотаси билан оксидлаш C_3 ва C_4 углерод атомларида 2 та альдегид гуруҳлари ҳосил бўлиши билан яқунланди. Оксидланган инулинда ҳосил бўлган эркин альдегид гуруҳлари, Байернинг таранглик назариясига мувофиқ полуацетал боғ ҳосил қилмаслиги асосланди.

3. Инулин макромолекуласининг альдегид гуруҳларига ҳар хил шароитда тубазид билан нуклеофил ўрин алмашиш реакцияси олиб борилди. Альдегид гуруҳларни тўла ўрин алмашувчи, чиқими ва охириги маҳсулот характеристикаси, олиб борилган реакция шароитига (тубазидни моляр нисбати, инулинни оксидлаш даражаси, ҳарорат, рН муҳит ва вақт) боғлиқлиги кўрсатилди.

4. Тубазид сақловчи инулиннинг молекуляр параметрлари физик-кимёвий усуллар ёрдамида аниқланди. Олинган препаратлар молекуляр массаси альдегид гуруҳлар сонига ва реакция шароитига боғлиқлиги ва KDa 2500-5000 оралиғида, ўрин алмашиш даражаси 18 дан 74 моль% лиги аниқланди.

5. Қийин прессланадиган доривор таблеткаларни олишда инулинни боғловчи сифатида қўллаш тавсия этилди.

6. Тубазид-инулинни токсико-фармакологик тадқиқотлари олиб борилди. Тубазид-инулин қанд миқдорини пасайтириш хоссаси билан бирга тоза тубазидга нисбатан узайтирилган силга қарши таъсирга эгаллиги аниқланди ва у янги авлод доривор модда сифатида тавсия этилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ИБРАГИМОВА КОМИЛА САДРИДДИН ҚИЗИ

**ВЗАИМОДЕСТВИЕ ИНУЛИНА С НЕКТОРЫМИ
АМИНОСДЕРЖАЩИМИ СОЕДИНЕНИЯМИ**

02.00.14. - Технология органических веществ и материалы на их основе

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В.2018.4.PhD/K150

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.tkiti.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNET» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель:

Рахманбердиев Гаппар
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Максумова Ойгура Сиддиковна
доктор химических наук, профессор
Абдушукуров Анвар Кабирович
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Узбекский научно-исследовательский химико-фармацевтический институт

Защита диссертации состоится «25» 08 2021 г. в «10⁰⁰» часов на заседании Ученого совета № DSc.03/30.12.2019.T.04.01. при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: 100011, г. Ташкент, Шайхонтохурский р-н, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20), факс: (99871) 2447917, e-mail: tkti_info@edu.uz. Административное здание Ташкентского химико-технологического института, 2-этаж, конференц-зал.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрирована за № 19). Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхонтохурский р-н, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Автореферат диссертации разослан «10» 08 2021 года.
(протокол реестра рассылки № 21 от «10» 08 2021 г.).



Икрамов А.

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Кадиров Х.И.

Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

Р.С. Сайфутдинов

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время создание нового поколения высокоэффективных, селективных, безвредных и пролонгированных препаратов для лечения различных инфекционных заболеваний, в том числе туберкулеза, является важной задачей в области химии, биологии, фармацевтики. Поэтому важно создание импортозамещающих, малотоксичных и пролонгированных препаратов на основе местного сырья для лечения туберкулеза.

В мире проводятся исследования по созданию системы физиологически активных полимеров с противотуберкулезными и противораковыми, кровоостанавливающими и сахароснижающими свойствами. В связи с этим особое внимание уделяется разработке противомикробных средств, производству, выделению и определению высокой биологической активности эффективных препаратов на их основе, производству противотуберкулезных препаратов.

В результате масштабных мер, принятых в последние годы в стране, достигаются определенные научные и практические результаты в модернизации химической и фармацевтической промышленности, расширении номенклатуры конкурентоспособной продукции, создании новых запасов сырья, развитию разработки технологий продуктов импортозамещения на их основе. В Стратегии действий Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусмотрена задача «развивать фармацевтическую отрасль и обеспечивать население и медицинские организации дешевыми качественными лекарствами и медицинским оборудованием»². В связи с этим очень важно создать противотуберкулезные препараты, которые могут конкурировать на международном рынке на основе доступного дешевого сырья.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действия по пяти приоритетным направлениям развития Узбекистана в 2017-2021 годах», в Указе Президента № УП 5229 от 7 ноября 2017 года «О мерах по кардинальному совершенствованию системы управления фармацевтической отрасли», в Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-3552 от 14 февраля 2018 года «О дополнительных мерах по ускоренному развитию фармацевтической отрасли», № ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию химической промышленности и повышения ее инвестиционной привлекательности» и других нормативных актов, связанных с этой деятельностью, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

² Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 годы»

Степень изученности проблемы. О выделении инулина, получении его производных и изучении высокой биологической активности эффективных препаратов на их основе проводили исследования ученые Дональд Дж., Фишер, Ду Дж., Реухш., Джонс Дж. Джуфлюэнс, Магди В., Хеба М., Надя Ф., Рихам Р., Халим Н., Чжанге Х., Сионга Ф., Чжуа З., Хуа Б., Ина Ю., Дуб Ю. Вайнштейн В.А., Наумчик Г.Н. Кузнецова Н.П., Гликина М.В., Немцова Н.Н., Самсонов Г.В., Шостаковский М.Ф., Сиделковская Ф.П., Усманов Х.У., Рашидова С.Ш., Рахмонбердиев Г., Тураев А.С., Саримсоков А.А., Аминов С., Рахимов Д., Шомуродов Ш.А. и др.

Они представили противотуберкулезные препараты длительного действия, вводя фрагменты изониазида, этанбутаола и рифамбицина в молекулу карбоксиметилцеллюлозы, используемую в медицине, пищевой и фармацевтической промышленности, разработаны противомикробные препараты на основе функциональных гидрофильных полимеров, внедрены в промышленность технология производства полиалкиленгуанидина, используемого в качестве дезинфицирующего средства.

В то же время проводились исследования по расширению синтетических свойств полисахаридов на основе водорастворимых эфиров целлюлозы (ацетилцеллюлоза, карбоксиметилцеллюлоза, сульфатцеллюлоза) и инулина физиологически активных полимерных систем, обладающих противотуберкулезными, противораковыми, кровоостанавливающими, сахароснижающими свойствами.

